



## Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2025 йил декабрь ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Д.Ш.Тилавов,

Судья ёрдамчиси Д.Умарованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Зангиота туман прокурори ўринбосари Ш.Файзиев, жабрланувчи (қонуний вакил) Д.Шакиров, судланувчи Ш.Мнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи “LAWYER TASHPULATOV” адвокатлик бюроси адвокати И.Ташпулатовларнинг иштирокида Ш.Мга нисбатан бўлган 1-1101-2501/453-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**Ш.М**, 1991 йил 6 январда Тошкент вилояти Янгийўл туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишламайди, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “И.Уразов” маҳалла фуқаролар йиғини, Улуғбек кўчаси, 144-уйда яшайди, иш бўйича 14.11.2025 йилдан “Гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 25.11.2025 йилда олган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ш.М 2025 йил 15 июнь куни соат 17<sup>15</sup>ларда ўзига тегишли давлат рақам белгиси 10 Р 091 АВ бўлган “SOBALT” русумли автомашинани Зангиота туманидан Тошкент шаҳри томон ҳаракатлантириб, Зангиота тумани “Гулбоғ” маҳалласидан ўтган М-34 автомобиль йўлида, 30-40 км/соат тезликда бошқариб, амалдаги “Йўл ҳаракати коидалари”нинг 77 ва 103-бандлари талабларини кўпол равишда бузган ҳолда, ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши кераклиги; тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги; ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши



мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлик тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат иштирокчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги; светофорнинг рухсат этувчи ишораси ёнганда хайдовчи чорраҳа орқали ҳаракатланишни тугаллаётган транспорт воситалари ва қатнов қисмидан тегишли йўналишда ўтишни тугаллаётган пиёда(лар)га йўл бериши шартлиги белгиланган бўлсада, жиноий бепарворлик билан ҳаракат хавфсизлиги чораларини таъминламасдан ҳаракатланиб, бошқарувидаги автомобилда тартибга солинган чорраҳада тўхтаб турган бўлишига қарамасдан, автомашинасига нисбатан чап томондан ўнг томонга велосипед бошқарган ҳолда ҳаракатланиб ўтаётган 06.01.1954 йилда туғилган марҳум Шакиров Джуранинг ҳаракатини тугатиб олиши учун йўл бериши шарт бўлган бўлишига қарамасдан, унга йўл бермаслиги оқибатида автомашинани ҳаракатлантириши натижасида марҳум Дж.Шакировни уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисасини содир этган.

Йўл-транспорт ходисаси натижасида, Зангиота тумани суд-тиббий экспертизанинг 01.07.2025 йилги 71-Е-сонли хулосасига кўра, марҳум Шакиров Джура олган “ОҒИР” тан жароҳатларидан шифохонада вафот этган.

Судланувчи Ш.М суд мажлисида айбига иқрорлик билдириб, у ўзига тегишли давлат рақам белгиси 10 Р 091 АВ бўлган “СОВАЛТ” русумли автомашинада таксистлик билан шуғулланиб, тирикчилик қилишини, 2025 йил 15 июнь куни ўзининг бошқарувидаги автомашинасида Тошкент шаҳри томон Тошкент вилояти Зангиота тумани “Гулбоғ” маҳалласи ҳудудидан ўтган М-34 йўналиши бўйлаб, ҳаракатланиб кетаётганини, у шу йўлдан соат 17<sup>15</sup>ларда йўл қатнов қисмида ўрнатилган светофорнинг қизил чироғи ёнгани сабаб ҳаракатини ўз вақтида йўл қатнов қисмининг биринчи бўлагида, чап томон олди томонида тўхтаганини, шундан сўнг, светофорнинг яшил чироғи ёнганидан сўнг, ҳаракатини давом эттириб, 30-40 км соат тезликда ҳаракатланганини, бироқ, у йўл қатнов қисмидаги чорраҳанинг қарама-қарши томонига ўтиш чегарасидаги йўлнинг ўртасида велосипедда ҳаракатланаётган ёши катта пиёдани кўриб қолиб, автомашинамни ўнг томонга буриб, ҳаракатини тўхтатиш мақсадида автомашинанинг тормоз педалини босган бўлса-да, у автомашинани тўхтатиш учун улгурмай, пиёдани автомашинаниг чап томон ён-олди томони билан уриб юборганини, сўнг, у автомашинадан тушиб, пиёда Шакиров Джурага биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида автомашинасига ётқизиб Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 16-сон шошилинич тез тиббий ёрдам марказига олиб борганини ва Шакиров Джура акага тиббий ёрдам кўрсатилганини, бироқ, шунга қарамасдан Шакиров Джура вафот этганини, сўнг, ИИБ ходимлари келишгач улар билан биргаликда йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган жойга боришганини, улар жойини кўздан кечиришиб чизма тузишганини ҳамда тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришганликларини, у маст ҳолатда бўлмаганини, у умуман спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслигини, жабрланувчининг барча харажатларини қоплаб берганини, жабрланувчининг қонуний вакилини унга нисбатан даъвоси йўқлигини, автотранспорт воситасини



бошқариш унинг ягона тирикчилик манбаи эканини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини ва унинг оилавий шароитини инобатга олган ҳолда унга нисбатан қонуний енгиллик беришни ва ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилмасликни сўраб кўрсатув берди.

Гарчи, судланувчи Ш.М суд мажлисида ўз айбига иқrorлик билдириб кўргазма берган бўлсада, унинг айби иш юзасидан сўроқ қилинган жабрланувчининг қонуний вакили ва иш ҳужжатларида мавжуд бўлган инкор этиб бўлмайдиган қуйидаги далиллар мажмуи билан тўлиқ исботланади, яъни,-

Жабрланувчи марҳум Шакиров Джуранинг қонуний вакили Шакиров Дилшод Джураевич суд мажлисида, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, Шакиров Джура унинг отаси эканини, отаси 2025 йил 15 июнь куни соат 17<sup>10</sup> ларда бир ўзи велосипедда маҳалладаги масжидга аср намозини ўқиш учун йўлга чиқиб ҳаракатланганини, шу вақтда, Зангиота тумани “Тулбоғ” маҳалласи ҳудудидан ўтган М-34 йўлида жойлашган чорраҳани кесиб ўтмоқчи бўлганида, “COBALT” русумли автомашина отасини уриб юборганини, шундан сўнг, отасига “COBALT” автомашинаси ҳайдовчиси Ш.М тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида, шифохонага олиб кетганини, содир бўлган йўл транспорт ходисасини уша жойда жойлашган дўконнинг кўзатув камерасидан кўрганини, отасини автомашина уриб юборилганини у маҳалладаги танишлари орқали эшитганини ва дарҳол шифохонага борганини, керакли дори-дармонларни Ш.М олиб берганини, бироқ, отасининг соғлиғи оғир бўлгани учун шифохонада вафот этганини, шундан сўнг, отасини дафн маросимини ва бошқа маракаларини ўтказганини, буларга ҳам ҳайдовчи ёрдам берганини, судланувчи Ш.Мга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб берган кўрсатуви;

– йўл-транспорт ходисаси содир бўлган жойнинг чизмаси (и.в. 7);

– Зангиота тумани суд-тиббий экспертизасининг 01.07.2025 йилдаги “Шакиров Джуранинг ўлимига йўл-транспорт ходисаси натижасида олган ОҒИР тан жароҳати сабаб бўлганлиги ҳақида”ги 71-Е-сонли хулосаси ва фото-жадвал (и.в. 13-22);

– ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизма ва фото-жадвал (и.в. 45-51);

– эксперимент ўтказиш тўғрисида қарорлар ва эксперимент баённомалари (и.в. 52-62);

– Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг 08.10.2025 йилдаги суд автотехника 29/15(10246)13.1Z/17548-сон хулосаси (и.в. 77-80)

– нарсани ашёвий далил деб топиш ва жиноят ишига қўшиш ҳақида қарор (и.в. 71-72) ва бошқа далиллар йиғинидиси билан.

Суд, М.А.Шадиёвни содир этган жиноий ҳаракатлари квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, транспорт воситасини бошқаруви шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги



қоидаларини бузиши одам ўлимига сабаб бўлишидаги ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан дастлабки тергов органи томонидан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 20-моддасига мувофиқ, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага киритилганлиги билан белгиланиши, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши;

26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга қўлланилиши;

37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам қамроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, юқоридаги қонун, Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54, 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи М.А.Шадиёвнинг содир қилган жиноятга тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кунгилдан пушаймонлигини, содир этган жиноятини ижтимоий хавфлилик даражасини, муқаддам судланмаганлигини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, шахсини ҳамда жабрланувчининг қонуний вакилини даъвоси йўқлигини инобатга олиб, ушбу ҳолатлар жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб мазкур модда санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлашликни;

унга қўлланилган “Гаров” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни ҳамда гаров тариқасида Тошкент вилояти ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг “Агробанк” АТБдаги депозит ҳисобига топширилган



8.240.000 (саккиз миллион икки юз қирқ минг) сўм пул маблағларини Ш.Мга қайтаришни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакилигига етказилган бошқа турдаги зарарларни ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни;

– ҳукм қонуний кучга киргач, жиноят иши бўйича далилий ашё деб эътироф этилган Ш.Мга 14.07.2018 йилда расмийлаштирилган № АҒ0003831-сирияли ҳайдовчилик гувоҳномасини Тошкент вилоят ИИББ ЙҚХБга топширишни ҳамда 1 (бир) дона “DELI” номли DVD+R дискни жиноят иши материаллари билан бирга сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддаси 5-қисми ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### Х У К М Қ И Л А Д И :

**Ш.М** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин ва ушбу модда билан 2 (икки) йилга барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан махрум қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 2 (икки) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ш.Мнинг яшаш уйи, яъни Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “И.Уразов” маҳалла фуқаролар йиғини, Улуғбек кўчаси, 144-уйи озодликни чеклаш жазосини ўташ жойи этиб белгилансин.

Ш.Мга нисбатан яшаш жойини иш ва ўқиш вақтидан шунингдек, иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойини тарк этиш тақиқлансин.

Ш.М зиммасига жазони ўташ даврида маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик каби қўшимча тақиқ ўрнатилсин.

Озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати Ш.М жазони ижро этиш инспекциясига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин, жазони ижросини таъминлаш Тошкент вилояти, Янгийўл тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ш.М озодликни чеклаш жазосининг ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 6-қисмида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши ҳақида огоҳлантирилсин.

Ш.Мга нисбатан қўлланилган “Гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаров тариқасида Тошкент вилояти ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг “Агробанк” АТБдаги депозит ҳисобига топширилган 8.240.000 (саккиз миллион икки юз қирқ минг) сўм пул маблағлари Ш.Мга қайтарилсин.



Хукм қонуний кучга киргач, жиноят иши бўйича далилий ашё деб эътироф этилган Ш.Мга 14.07.2018 йилда расмийлаштирилган № AF0003831-сирияли ҳайдовчилик гувоҳномаси Тошкент вилоят ИИББ ЙХХБга топширилсин ҳамда 1 (бир) дона “DELI” номли DVD+R диск жиноят иши материаллари билан бирга сақлансин.

Жабрланувчининг қонуний вакилигига етказилган бошқа турдаги зарарларни ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Хукмдан норози тарафлар, ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация тартибида Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига протест ёки шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**

**Д.Ш.Тилавов**

